O'ZBEKISTON ... INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 24-FEVRAL ■ SESHANBA ■ 22 (27.197) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ

**Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский рафиқаси билан 21 феврааль куни Тошкентда тўхтаб ўтди. Яқиндагина таъмирдан чиққан «Тошкент — 2» аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.**



Шу ернинг ўзида икки мамлакат Президентларининг музокараси бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Александер Квасневский Ўзбекистон — Польша муносабатларига оид долзарб масалалар, томонларни қизиқтирган қатор халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашди.

Президент А.Квасневский 2002 йил октябрда мамлакатимизга ташриф буюрганида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи кўплаб ҳужжатлар имзоланган эди. Бу ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга, турли иллатларга қарши баҳамжиҳат курашиш учун ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг 2003 йил июль ойида Польшага расмий сафари ўзаро муносабатларни яна бир бор олий даражада таҳлил этиш, истиқболни белгилаш учун қулай имконият яратди. Ташриф давомида иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 2003 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми уч баравардан кўпроқ ошди.

Президент А.Квасневскийнинг бу галги қисқа муддатли ташрифи чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилар экан, икки томонда ҳам ҳали кўпгина имкониятлар ишга солинмаётгани таъкидланди. Президентлар бу борада тегишли ташкилотларга зарур топшириқлар беришга, ишбилармонларнинг ўзаро бевосита мулоқотини янада кенгроқ рағбатлантиришга келишиб олдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари мулоқот қисқа бўлганига қарамай, жуда самарали кечганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу учрашувнинг яна бир жиҳатига эътибор қаратиш жоиз. А.Квасневскийнинг Тошкентда тўхтаб ўтиши мамлакатларимиз ўзаро муносабатларни нечоғли қадрлашидан, ҳамкорликни ривожлантиришга интилишидан, Президентларнинг самимий дўстлигидан далолатдир. Мазкур мулоқот Ўзбекистоннинг Европа ва Осиё ўртасидаги ўзига хос ишончли кўприк вазифасини бажариши ҳақидаги фикрлар қанчалар асосли эканини, мамлакатимизнинг нуфузи халқаро майдонда тобора кенгроқ эътироф этилаётганини ҳам тасдиқлайди.

Польша раҳбари Президент Ислом Каримовнинг таклиф ва кўрсатмалари асосида таъмирланиб, янада жозибадор ва муҳташам бўлган «Тошкент — 2» аэропортининг илк меҳмони бўлди.

Юртбошимиз мажмуанинг ҳар бир безаги ва ишловини диққат билан кўздан кечирди. Мазкур мажмуа юксак мартабали меҳмонларни кутиб олиш, турли форматдаги учрашувлар, матбуот анжуманлари ўтказиш учун мўлжалланган.

— Бу даргоҳ мамлакатимиз остоналаридан биридир. Бу ерга қадам қўйган ҳар бир меҳмон Ўзбекистон ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиши, юртимизга хос миллий руҳни ҳис этиши керак, — деди Ислом Каримов.

Катта зал тўридаги деворга юртимизнинг тарихи, бугуни ва келажагини акс эттирувчи улкан панно ишланган. Президент таъбири билан айтганда, унинг марказидаги Ҳумо қуши миллатимиз бахти ва иқболининг тимсоли, очиқ эшиклар тасвири эса Ўзбекистон дунё учун очиқлигига ишорадир.

Мамлакатимиз раҳбари аэропорт ишини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

**(ЎзА)**

**Суратда:** учрашув пайти.

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат**

# АМЕРИКАЛИК ОЛИМНИНГ БАҲОСИ

**АҚШнинг Жон Хопкинс университети Пол Ницше номидаги илғор халқаро тадқиқотлар институти интернет журналида «Тараққиётнинг ўзбек модели: изчиллик, собитқадамлик ва муваффақият сари» сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Унда сўнгги 13 йиллик тарихимизга таҳлилий назар ташлаш билан бир қаторда, мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнига холисона баҳо берилган.**

Мақола муаллифи халқаро тараққиёт борасида етакчи мутахассислардан бири ҳисобланган Эндрю Бухман ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Марказий Осиё минтақасида вужудга келган вазият эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистон учун катта синов бўлганини қайд этади.

— Бир неча йиллар мобайнида Афғонистон ва Тожикистонда давом этган фуқаролар уруши ёш Ўзбекистонни қочоқлар муаммоси, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ҳамда жангари исломий экстремистик гуруҳлари билан курашишга мажбур этди, — дея таъкидлайди у. — Минтақа хавфсизлигига раҳна солган ушбу хатарлар мамлакат сиёсий ҳамда иқтисодий имкониятларини тўла рўёбга чиқариш учун жиддий тўсқинлик қилди.

АҚШ тадқиқотчиси ўша даврда Марказий Осиёда йирик давлатлар манфаатлари тўқнашуви омилига ҳам эътибор қаратар экан, Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилган оқилона сиёсат бундай кўнгилсиз воқеалар ривожини бартараф этганини маълум қилади.

— Президент Каримов Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур англаб етди. Шу маънода, у республикадаги сиёсий парокандалик ва тартибсизликларга барҳам бериб, миллий ўзликни англаш, демократик институтларни шакллантириш ҳамда кўп тармоқли иқтисодиётни барпо этиш ишларига зўр эътибор қаратди.

Олим тараққиётнинг «Ўзбек модели» дея эътироф этилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни хусусида сўз юритар экан, ушбу ёндашув мамлакатни жар ёқасидан олиб чиққанини маълум қилади.

— Ён-атрофдаги мамлакатларда чуқур ижтимоий силсилалар, аҳолининг оммавий қашшоқлашуви, ташқи қарзларнинг кескин ортиши билан кузатилган бозор иқтисодиёти Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1996 йилга келиб, Ўзбекистон ҳам иқтисодий, ҳам хавфсизлик масалалари жиҳатдан минтақадаги энг илғор давлатга айланди. Ўша йили «Электорал тизимлари халқаро фонди» томонидан ўтказилган сўровлар аксарият ўзбекистонликларнинг мамлакат эртанги кунига ишонч билан қарашини маълум қилди.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда сўнгги йиллар мобайнида сармоядорлар учун яратилаётган катта қулайликлар, иқтисодий ночор ишлаб чиқариш муассасаларини хусусийлаштириш жараёнини эътиборга олиб, тараққиётнинг ўзбек модели бутунлай ўзини оқлаганини таъкидлайди.

Эндрю Бухман Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги 13 йил давомида изчил равишда ўсганини қайд этиб, танқидчиларни ўзбек моделига чуқур таҳлилий назар ташлашга чорлайди.

**Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ**
*«Жаҳон» АА.*

# СОЛИҚ — ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда солиқ органларининг 2003 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида солиқчилар олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов сўзга чиқди. У иқтисодий соҳадаги қонунбузарликларга қарши курашиш, иқтисодни, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташқи товар интервенциясидан ҳимоя қилиш, давлат молия тизими барқарорлигини таъминлаш ва миллий валютамиз қадрини мустаҳкамлаш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан эканини таъкидлади.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев ана шу йўналишда солиқ органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, давлат бюджетига солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида ундириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан маъруза қилди. Бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, бозорлар фаолиятини тартибга солиш, чакана савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларида нақд пул айланиши устидан назоратни кучайтириш, қарзларни ундириш, яширин бизнесга қарши курашиш, текширишларни мувофиқлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Бу борада ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, мамлакат иқтисодий қудратининг асосий манбаи бўлган солиқ ва тўловларга нисбатан ҳар бир фуқаронинг онгли муносабатини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Соҳада ҳар томонлама етук ва билимли кадрларни кўпайтириш, ходимлар касб маҳорати ва маънавий камолотини ошириш, айниқса, муҳимдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов, Бош вазир ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# НАМАНГАНДА ЯНГИ АТС

Наманган шаҳри аҳолиси учун телефон алоқаси сифати яхшиланди. Катта эҳтиёжни қондириш мақсадида умумий қиймати 1 млрд. 900 млн. сўмлик шаҳар телекоммуникация тармоғини 9,5 минг номерга кенгайтириш, Наманган шаҳридаги АТСларни боғловчи айланма оптик толали алоқа кабелли тармоғи барпо этиш лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу лойиҳа Хитой Халқ Республикасининг «HUAWEI» технологик компанияси билан ҳамкорликда рўёбга чиқди.

Ишга туширилган 24-ЭАТС шаҳардаги ЭАТСларнинг учинчисидир. Янги АТС туфайли шаҳардаги мижозлар сони 138 мингдан ошди.

ЭАТСнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Орипов, «HUAWEI» технологик компанияси вице-президенти жаноб Вонг Кесянг иштирок этишди ва барчани табрикладилар.

**Маъмуржон МАҲМУД**

# NEC CORPORATION ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Мўйноқ туманида Nec Corporation (Япония) ва Uzimpexaloka (Ўзбекистон) компаниялари ўртасидаги битим доирасида амалга оширилаётган телерадиокоммуникацияларни ривожлантириш лойиҳаси иш бошлади.

Лойиҳа телеузатувчининг қувватини ошириш ҳисобига телерадиосигналларни қабул қилиш ва узатиш сифатини яхшилашни кўзда тутади.

— Айни вақтда ишлаётган узатувчи станциянинг қуввати атиги 100 ватт, янгиси қўйилгач сигналлар узатишни юз баравар оширади, — деди реле станцияси бошлиғи Кўмакбой Ўтегенов.

К.Ўтегеновнинг таъкидлашича, янги кабель каналларининг биридан телефон алоқасида фойдаланилади. Бундан ташқари, шунга ўхшаш станциялар Нукус, Тахтакўпир ва Шуманайда ҳам қурилади. Уларнинг ишга туширилиши билан Қорақалпоғистонда телерадиокоммуникация тармоқларининг иши тубдан яхшиланади.

**«Туркистон-пресс»**

# САМОЛЁТ ОЗАРБАЙЖОНГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти яқинда ўзининг дастлабки экспорт буюртмасини бажарди. Битимга кўра, тошкентлик самолётсозлар «Ил-76ТД» юк ташувчи ҳаво кемасини Буюк Британия билан биргаликда таъсис этилган хусусий авиакомпания — «Озарбайжон Карго «Ипак йўли» учун тайёрлаб беришди. Энди Озарбайжон хусусий авиакомпаниясида ана шундай қанотли юк ташувчилар сони олтитага етди. Бокулик учувчилар улар ёрдамида жаҳоннинг 85 мамлакатига БМТ йўли билан турли тижорат ва инсонпарварлик юкларини етказиб бермоқда.

Озарбайжонлик учувчилар экипажи командири Шамсаддин Мирсалаевнинг таъкидлашича, халқаро юк авиаташувлари бозорида «Ил-76ТД»га етадигани йўқ. Дарвоқе, битим шартларига мувофиқ янги ҳаво кемаси завод учувчилари ва буюртмачи вакиллар томонидан ўтказилган синовлардан муваффақиятли ўтди.

— Март бошларида ўзбекистонлик ҳамкорларимиз ҳузурига навбатдаги шундай самолётни олгани келамиз, — дейди Шамсаддин Мирсалаев. — Вақти келиб авиакомпаниямиз ихтиёридаги «Ил-76ТД» самолётлари сонини 10 тага етказмоқчимиз. Бундан ташқари, Озарбайжон миллий авиакомпанияси ўзининг минтақавий ва маҳаллий йўналишлари учун Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига бир нечта «Ил-114» йўловчи ташиш самолётига буюртма бериш ниятидадир.

**Шаҳобиддин ЗАЙНУТДИНОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 24 феврaлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 765,55 | 1 Польша злотийси | 255,71 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1840,47 | 1 СДР | 1481,81 |
| 1 Дания кронаси | 166,38 | 1000 Туркия лираси | 0,75 |
| 1 БАА дирҳами | 269,89 | 1 Швейцария франки | 786,22 |
| 1 АҚШ доллари | 991,26 | 1 ЕВРО | 1239,47 |
| 1 Миср фунти | 160,40 | 10 Жанубий Корея вони | 8,39 |
| 1 Исландия кронаси | 14,36 | 10 Япония иенаси | 91,13 |
| 1 Канада доллари | 740,63 | 1 Россия рубли | 34,79 |
| 1 Хитой юани | 119,76 | 1 Украина гривнаси | 185,97 |
| 1 Малайзия ринггити | 260,89 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# ШИФОКОР ОЛИМЛАР ҲИММАТИ

Бухоро Давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида кўпгина савобли ишларга қўл уришмоқда. Улар вилоят туманларида бўлиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишга, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар боларини даволашнинг фаол иштирокчисига айланмоқдалар. Улар бу билан чекланмай, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ҳам баҳоли қудрат кўмак беришяпти.

Яқинда институт ректори, профессор Раҳмат Аҳмедов бошлиқ бир гуруҳ ўқитувчилар Бухоро шаҳридаги вилоятлараро ихтисослашган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини кўрикдан ўтказдилар. Улар жамоага рангли телевизор ва турли-туман ўйинчоқлар, ўқув қуроллари совға қилишди.

**Даврон БАҲРОНОВ**

# НАВОИЙ ГИЛАМЛАРИ

«Азот» ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмаси республиканинг қарийб 50 фоиз минерал ўғитларини тайёрлаб беради. Бироқ кимёвий корхона халқ истеъмоли моллари, кенг ҳунармандчилик воситалари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштириб олган. Айниқса, сунъий «Нитрон» толаси, харидоргир «Ватин» ана шулар жумласидандир. Худди шу ва шунга ўхшаш ноёб тола ва ипаклар борки, бирлашмада Хива гиламлари билан бемалол рақобатлаша оладиган Навоий қалин гиламлари ҳам тўқиб чиқарилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида атиги 5-6 минг квадрат метр ҳажмда гилам поёндоз тайёрланган бўлса, икки мингинчи йил бошларига келиб, бу кўрсаткич 3-4 бараварга ошди. Бултур навоийлик гиламчилар 42 минг квадрат метрдан зиёд «3х2», «2,8х1,8» ўлчамлардаги харидорбоп, бозоргир қалин гиламлар тўқиб чиқаришди. Жорий йилда эса кимёгарлар 50 минг квадрат метрдан ортиқ 10 хил турдаги энг замонавий гиламлар ишлаб чиқаришоқчи.

2005 йилдан бошлаб, Навоийда йилига 60-65 минг квадрат метрда жаҳон стандартига мос ва хос қалин гиламлар тайёрлана бошлайди. Бунга эса ҳозирдан асос солинаяпти. Яқинда Германиядан 4 та энг замонавий тўқув дастгоҳлари сотиб олинди. Шу йил охирига бориб, Бельгиядан ҳам 4 та гилам тўқиш дастгоҳи келтирилади. Бу эса илгаригидек «3х2» эмас, аксинча «4х7», «3х5» ўлчамдаги қалин галамлар ҳамда идора ва ташкилотларбоп қалин поёндозлар ишлаб чиқаришга ҳам имкон яратади.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат Усмонова).** Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бу борада Осиё тараққиёт банки билан биргаликда амалга ошираётган кредит лойиҳаси яхши самара бермоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтида ўтган республика семинарида ана шу ҳақда сўз юритилди.

Умумий қиймати 57 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур лойиҳага мувофиқ бугунги кунда 45 коллеж ва лицей замонавий техник восита ҳамда ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда. Лойиҳа доирасида жойларда ташкил этилган ўн тўртта малака ошириш бўйича масофавий таълим ресурс марказида ҳозиргача уч минг нафардан зиёд педагог ва муҳандис-педагог ўз малакасини оширди.



Самарқанд туманида 66 та мактаб мавжуд бўлиб, уларда жами 55116 нафар ўқувчи таълим олади. Тумандаги 47-ўрта умумтаълим мактаби намунали ўқув даргоҳи ҳисобланади.

Бу ерда таълим жараёни кўнгилдагидек. Ўқувчиларга тажрибали мураббийлар машғулот ўтказади. Энг муҳими, даргоҳ замонавий ўқув жиҳозларига эга. Кутубхона ўқув зали эса ҳамиша ўқувчилар билан гавжум.

✧✧✧

**Суратда:** ўқувчилар Шоҳида Умарқулова ва Наргиза Асророва.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

**2004 йил — Меҳр ва мурувват йили**

# ИНСОН ҲАМИША МЕҲРГА МУҲТОЖ

## У БОЗОРДА СОТИЛМАЙДИ, АҚЧАГА ТОПИЛМАЙДИ. ЛЕКИН СУВСИЗ, ҲАВОСИЗ ЯШАБ БЎЛМАГАНИДЕК, МЕҲР-МУРУВВАТСИЗ ҲАМ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

*(Давоми. Боши ўтган сонларда)*

Меҳр кўрсатиш, мурувватли бўлиш одамнинг ички эҳтиёжидан туғилади. Инсон инсон бўладиган бўлса, у ҳеч кимнинг таъкидисиз, ҳеч кимнинг қистовисиз ўз ҳамжамоаларига, ўз қавмининг аъзоларига меҳрибонлик кўрсатмоғи, ғамхўрлик қилмоғи керак. Бу — соҳиби қудратнинг қалами билан ҳар бир инсоннинг қисмат китобига ёзиб қўйилган бўлиши керак. Шуниси қизиқки, меҳр кўрсатишдан, мурувватли бўлишдан шикаста дил одамларгина эмас, меҳр соҳибларининг ўзлари ҳам ғоятда баҳраманд бўладилар. Буни ҳар бир одам ўз ҳаётида неча марталаб синаб кўрган. Бирор беморни кўриб, ҳол-аҳволини сўраб чиқсангиз ёки бирор мискиннинг кўнглини кўтарган бўлсангиз, ўша куни дилингиз қанчалик равшан бўлганини, руҳингиз енгил тортганини яхши эсласангиз керак.

Юқорида айтилган гаплардан хулоса чиқарадиган бўлсак, лўнда қилиб, меҳрнинг отаси яхшилик, онаси муҳаббат, инсонийлик деган бўлур эдим.

Биз бугун меҳр-мурувват тўғрисида жуда кўп гапирадиган, бир-биримизга унинг нималигини кўп уқтирадиган бўлиб қолдик. Бу — яхши, албатта. Лекин, назаримда, гапларимизда муайян маҳдудлик ҳам йўқ эмасга ўхшайди. Бугунги гапларимизда меҳр-мурувват деган нарса, асосан, маҳалла ҳудудидан чиқмай қолаётгандай, фақат фуқароларнинг ички иши сифатида талқин қилинаётгандай кўринади. Ҳолбуки, муаммонинг яна бир муҳим қирраси борки, у тўғрида гапирилмаса, масала кемтиклигича қолади.

Шўро доҳийларидан бири ўша даврдаги «демократия» тўғрисида мақтаниб, «бизда ҳар қандай оқсоч хотин ҳам давлатни бошқаришда қатнаша олади» деган эди. Бу, албатта, бемаъни бир гап эди, демократиянинг моҳияти бу эмас. Оқсоч аёл оқсочлигини қилгани яхши, давлатни эса билимдон, ақлли, узоқни кўра оладиган, ташаббускор ва истеъдодли одамлар бошқаргани маъқул. Лекин бояги гапнинг бир жиҳати бор — демократик давлатда фуқаронинг ҳаммаси, шу жумладан оқсоч аёл ҳам давлатнинг меҳру мурувватидан бебаҳра қолмаслиги керак.

Давлат сиёсатини амалга оширадиган турли-туман катта-кичик амалдорлар, мансабдорлар, мутасаддилар, ишбошилар, раҳбарлар билан оддий фуқаро ўртасида энг яхши инсоний муносабатлар ҳукм сурмоғи лозим. Фуқароларнинг раҳбарларга ҳар куни, ҳар соатда иши тушиб туради — унда улар бу ишларнинг қонун асосида тез ва беғараз ҳал қилинишига, давлат идораларидан адолат ва ҳақиқат топишларига ишонмоқлари даркор. Ўзи аслида ҳам фуқаро тепасида турадиган сон-саноқсиз раҳбару мутасаддиларнинг энг бирламчи, энг муқаддас вазифаси одамларнинг оғирини енгил қилиш, фаровонлигини таъминлаш, уларга давлат номидан доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиш эмасми?

Президентимиз неча марталаб таъкидлаганидек, бирор идорада ўтирган раҳбар халқнинг хизматкори эмасми? Амалдорлар зиммасидаги энг муҳим вазифалардан бири халққа доимий равишда меҳр-мурувват кўрсатиб, унинг мушкулларини осон қилиб туриш эмасми?

Ҳа, шундай Президентнинг «Савоб ишни ҳар ким қилмоғи, ҳар кун қилмоғи керак» деган ҳикмати фақат фуқароларга эмас, амалдорларга, мансабдорларга ҳам қаратилган. Афсуски, ҳаётда биз ҳали ҳам кўп ҳолларда бу қонуннинг — энг муҳим ахлоқий принципнинг амал қилаётганини кўрмаймиз. Аксинча, айримлар бирор мансабни эгаллашга ҳаракат қилсалар, буни одамлар устидан ҳукмронлик қилиш учун, унга хўжайин бўлиб олмоқ учун қиладилар. Мансабга минганларидан сўнг халқ ҳаётини яхшилаш тўғрисида эмас, ўз пичоқларининг доим мой устида бўлишидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдилар. Ҳар ҳолда, фақат оғизда халққа хизмат қилиб, амалда унинг тақдирига мутлақо бефарқ, беписанд ва лоқайд қарайдиган мансабдорлар озми?

Энг ёмони шундаки, бундай мутасаддилар одамларга меҳру мурувват кўрсатиш, саховатпеша бўлиш ўрнига, ўзларининг манфаатлари кўндаланг бўлиб қолса, халқ манфаатидан бутунлай кўз юмиб юбораверадилар, натижада халқ мулки, кўпчиликнинг моли ўлда-жўлда қолиб, йўқ бўлиб кетса ҳам, ҳеч кимнинг иши бўлмайди.

Тошкентда экскаватор заводи бўлар эди. У ўз вақтида халқаро миқёсдаги совринларга сазовор бўлган — «Оврўпанинг олтин дарвозаси» деган мукофотни олган эди. Бу мукофотга сазовор бўлган заводнинг маҳсулоти учун Оврўпанинг ҳамма дарвозалари очиқ, халқаро бозорда харидоргир бўлар экан. Бугун шу завод йўқ бўлиб кетди, ундаги ғоятда ноёб ва бебаҳо ускуналар кимларгадир шафтолиқоқи баҳосида сотилиб кетди, шу заводда ишлаб, бола-чақасини боқиб турган юзлаб одамлар ишсиз қолди. Энг қизиғи шуки, бу заводдан чиққан экскаваторлар нархидан икки баравар қимматга хориждан экскаваторлар сотиб олинди. Тўғри, бу ишлар 90-йилларнинг биринчи ярмида бўлиб ўтди, лекин, барибир, қор ёғди, излар босилди деб бунақа ҳоллардан кўз юмиб кетиб бўлмайди. Ахир, ўша заводда менинг ҳам ҳиссам бор эди-да, унинг борлиги менинг давлатимнинг бир кемтигини бутлаб турарди. Фараз қилайлик, завод директорлари нобоп, уқувсиз одамлар эди, ношудлик қилиб, заводни шу аҳволга тушириб қўйишди. Лекин вазирчи? Ахир, шундай заводнинг йўқ бўлиб кетиши унинг фатвосисиз бўлмайдими? Ёки у бутунлай бехабар қолдимикин? Давлат одами-я? Шу соҳада давлат сиёсатини юритадиган одам-а? Завод ҳазилакам нарса эмас — унинг тақдири бутун республиканинг аҳволига таъсир қилади, унинг маъмурлигига путур етказади. Шундоқ экан, унинг бехатар ва бенуқсон ишлашидан хабардор бўлиб, назорат қилиб турадиган катта идоралар қаёққа қаради экан?

Бу каби ҳоллар халққа нисбатан меҳрсизликнинг намунаси эмасми?

Фикримизни далиллайдиган яна бир мисол келтирамиз. Бугунги кунда ҳеч қайси шаҳар аҳли электрсиз, газсиз, водопроводсиз, яна бошқа бир қатор маиший қулайликларсиз умргузаронлик қилолмайди. Буларнинг бари учун ҳақ тўлаш керак. Лекин сўнгги йилларда — бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан нарх-наволар эркинликка чиққанда, қизиқ воқеалар рўй бермоқда. Афтидан, «нарх-навоси эркин қўйилади» деган гапни баъзи бир идора ва корхона раҳбарлари «бу борада билган номаъқулчилигингни қилавер» деган маънода тушунадилар, шекилли. Рақобатнинг йўқлигидан фойдаланиб улар «ўзим хон, кўланкам майдон» қабилида иш юритадилар — истасалар нарх-навони осмонга чиқариб қўядилар, истасалар пастга тушириб қўядилар. Энг афсусли томони шундаки, одамлар назарида нарх-наво гўё давлат ва ҳукумат томонидан оширилаётгандек таассурот қолдиради. Мана, масалан, электр ҳақини олайлик. Электрлаштириш ва электр қувватидан фойдаланиш борасида анча-мунча муаммолар, иқтисодий қийинчиликлар мавжуд бўлса керак. Албатта, ҳозирги шароитда ўқтин-ўқтин электр ҳақининг кўтарилиб туриши ҳам табиий. Лекин энг ёмони шуки, бу соҳанинг мутасаддилари ўзларининг ҳамма мушкулотларини истеъмолчи ҳисобидан ҳал қилишга ўрганиб қолдилар, шекилли. Бир қараганда, улар «нархни ошир» деган васвасага учраб қолганга ўхшайди. Масалан, фақат 2003 йилнинг ўзида нарх тўрт марта кўтарилди, 2004 йилнинг бошланишини ҳам янги ошириш билан нишонладилар. Назаримда электр ҳақини тўламаганлар касрига бошқалар қолаяпти. Масалан, ҳозир электр ҳисоблагичларни тескари айлантириш одат тусига киряпти — бундан истеъмолчи ҳам, монтёр ҳам манфаатдор, фақат давлат зарар кўряпти, холос. Ҳар хил гулхона, иссиқхона ва шунга ўхшашларда ҳам жуда катта миқдорда электр қуввати истеъмол қилингани ҳолда, жуда кам ҳақ тўланади. Ҳақини улардан ундириб ола билмаган мутасаддилар осонгина нархни ошириш йўли билан кемтикни қоплаб қўя қоладилар.

Мен бу мутасаддиларнинг фуқароларга беписанд қарашига ҳайрон қоламан — лоақал бирор марта телевизорда чиқиб, нима учун нархлар оширилаётгани, бу аҳвол қачонгача давом этишини, шундай аҳвол вужудга келганининг асосий сабаблари, айбдорлари ким эканини эл-юртга айтганлари, номига бўлса-да, халқдан узр сўраганлари йўқ.

Кишини ўйга толдирадигани шуки, бугунги шароитда Президентимиз меҳр ва мурувват масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бева-бечораларнинг, қашшоқ ва мискинларнинг аҳволини енгиллатиш тўғрисида қайғураётган бўлса-ю, тўлов нархларини муттасил ошириб ётган идоралар эса бу меҳр-мурувватга путур етказмаяптиларми?

(Давоми бор.)

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

---

**Тажриба, таҳлил**

# ЧИРОҚЧИ

## ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ЮҚОРИ ҲОСИЛ

... Деҳқоннинг устози — деҳқон, деган ибора бор халқ орасида. Мен Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон» ширкатининг пудратчиси, етмиш ёшли Яҳё бобо Эргашев билан суҳбатлашганман. Моҳир деҳқоннинг даласига Президентимиз ташриф буюрганлар. 16 гектар ернинг ҳар гектаридан 51 центнердан ошиқ ҳосил олганида, унга ҳукуматимиз раҳбарининг совғаси — «Нексия» автомашинаси топширилганди... Бир куни у кишига шундай савол бергандим:

— Бобожон, юқори туманларда ер шароити, сув таъминоти яхши, тажриба ҳам етарли. Аммо пахта режаси мўлжалга етмай қолди. Бироқ қўшни Чироқчи тумани вилоятда биринчи бўлиб режани уддалади. Ерларни ҳам барвақт шудгорлаб, кузги донни экиб олди. Тажрибали пахтакор сифатида бу ҳақда нима дейсиз?

Яҳё бува анча ўйланиб шундай жавоб берганди.

— Гапингиз рост, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларининг имконияти катта. Чироқчилик деҳқонлар билан кўпдан тажриба алмашиб келамиз. Битта дарёдан сув ичамиз. Мен ўзим ерларини, ишларини кўп кўрганман. Чоғимда, чироқчилик деҳқонларнинг техникаси бут, ўғит ҳам вақтида бериляпти. Тағин ҳам билмадим, болам...

Бежиз воҳанинг энг тажрибали деҳқонига мурожаат қилмагандим. Қўшни қўшнининг ҳолидан хабардор. Бироқ юқори минтақадаги тўртта туман орасида ёлғиз Чироқчи пахта режасини уддалаганида сир борми? Негаки, туман ерлари туя ўркачидек адирлар бағрида жойлашган. Йигирма йил давомида бу далаларнинг кўпини кўрганман. Баланд-паст, яхши текисланмаган майдонлар анчагина. Икки дарёдан — Қашқадарё ва қўшни Самарқанддан оқиб келадиган Зарафшон дарёсидан сув ичади. Баъзи йилларда Зарафшон суви камайганда, сувга зор бўлишади. 2002 йил туманда 27 минг тоннадан ошиқ пахта етиштирилди, рентабеллик 34 фоизга етди. Ўтган йили ҳамма ишга барвақт киришилди. Октябрь ойининг охирида режа бажарилди, жами 28 минг тоннадан ошиқ пахта сотилди. Ҳосилдорлик 25,5 центнерга, рентабеллик эса 50 фоизга етди. Пахта сифати-чи?

— Мен асли шаҳрисабзликман, — дейди туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси Абдуҳаким Бейтуллаев. — Отам асаларичи эди, етти фарзанд қаттиқчиликни кўриб ўсдик. Мана, бир неча йилдирки, шу корхона раҳбариман. Сиз ютуқлар боисини сўраяпсиз. Нима дейман, яхшиси, битта мисол келтира қолай. Туманнинг энг чеккасида Файзулла Хўжаев номли ширкат бор. Шароити анча оғир, сув етишмайди. Айниқса, кучли шамолга бас келиши осон эмас. Ширкат деҳқонлари 1711 тонна ўрнига 2150 тоннадан ошиқ пахта топширишди. Тағин 90 фоизи биринчи нав.

— Тола сифати-чи, — қизиқиб сўрайман. — Бу даромад учун ҳам энг муҳим омил-ку.

— Буёғидан хотиржам бўлинг, — кулимсирайди корхона раҳбари. — Режа бажарилмаган йилларда юқори кўрсаткичга эришганмиз. Бу йил асосий майдонларда «Бухоро-6» пахта нави ўстирилди. Жами ҳосилнинг 88 фоизини I-нав ва I-синфга қабул қилдик. Тола чиқиши ҳам 35 фоизга етмоқда. Бундай сифатли пахта толаси жаҳоннинг ҳар қандай давлатидаги буюртмачилар ўртасида талаш. Бу муболаға эмас. Кези келганда айтай. Олдинги йил Женевада 166 давлат вакиллари иштирокидаги «Бутунжаҳон сифат қўмитаси»нинг йиғилишида вилоятимизда етиштирилган пахта толаси олтин совринга сазовор бўлди. Бунинг ҳаммаси пахтакорларнинг меҳнати туфайли.

Қашқадарё сувини далаларга элтаётган «Сандал» каналидан Ҳамид Олимжон номли ширкат сув ичади. Ширкатга саккиз йилдан буён касби иқтисодчи бўлган Бердимурод Тўраев раҳбарлик қилаяпти. Ишнинг баланд-пастини, янгиликларини яхши ҳис қиладиган етакчи.

---

**ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ**

### «МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАБ

**Ўзбекистон ХДП Китоб туман кенгаши**, туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан тумандаги Меҳрибонлик уйида «Сен ёлғиз эмассан, болажон» шиори остида хайрия тадбири ўтказилди. 80 нафар тарбияланувчининг ҳар бирини турли ташкилотлар оталиққа олдилар. Чунончи, ХДП туман кенгаши томонидан тарбияланувчи Б.Темиров кийим-кечак, ўқув анжомлари билан таъминланди.

Тадбирда туман ҳокими Луқмон Ғаффоров, туман партия кенгаши биринчи котиби Санжар Қурбонов иштирок этдилар.

**Урганч шаҳар, Қўшкўпир туман партия кенгашлари** қатор жамоат ташкилотларининг маҳаллий бўлимлари билан биргаликда маҳаллаларда яшаётган ночорроқ оилалар, етим-есирлар ва боқувчисини йўқотган қариялар ҳолидан хабар олиб, уларга меҳр-мурувват ёрдами кўрсатмоқдалар. Урганч шаҳридаги «Умид» маҳалласи, Қўшкўпир шаҳарчасидаги 3та маҳаллада ана шундай тадбирлар ўтказилди.

### ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

**Қўшкўпир туман партия кенгаши** ташаббуси билан «Партия ва ёшлар» мавзуида учрашув ўтказилди. Унда иштирок этган ХДП туман кенгаши биринчи котиби Ф.Холиқов ва партия фаоллари ЎзХДПнинг ёшлар сиёсати, бу борада амалга оширилаётган ҳамда режалаштирилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар, ёшларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

**ЎзХДП Қўқон шаҳар кенгаши** ҳузуридаги «Сиёсат» ёшлар мунозара клубининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Тадбирда йиғилган ёшлар жорий йилнинг 7 февралида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилиш, унда белгиланган вазифалар юзасидан фикрлашдилар, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг йиғилишда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар. Суҳбатда қатнашган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёшларни қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб бердилар.

### МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

**Пискент туман** ҳокимлиги, туман партия кенгаши, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорликда Алишер Навоийнинг 563 йиллик юбилейига бағишлаб тадбир ўтказдилар. Унда машҳур навоийшунос олима Суйима Ғаниева йиғилганларга буюк мутафаккирнинг ижоди, ибратли ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб берди. Ёш ижодкорлар А.Навоийнинг ғазаллари ва ўзларининг ижодларидан йиғилганларни баҳраманд этдилар.

Тадбирда Пискент туман партия кенгаши биринчи котиби Д.Комилова ва туман ҳокимининг ўринбосари Р.Турғунбоева сўзга чиқдилар.

**ЎзХДП Тўрақўрғон, Наманган, Чортоқ туман кенгашлари**да ҳам навоийхонлик тадбирлари ташкил қилиниб, кўплаб ёшлар ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ижодидан баҳраманд бўлдилар.

### ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Ўзбекистон ХДП Бешариқ, Косон туман кенгашлари**нинг жорий йилда партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар, ҳисобот-сайловларга тайёргарлик жараёнлари ҳамда партия ҳудудий бўғинлари фаолиятини жонлантириш масалаларига бағишланган пленумлари бўлиб ўтди. Уларда, тегишлича, Фарғона, Қашқадарё вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари М.Исоқов, О.Равшановлар сўзга чиқдилар. Маърузачилар партия ташкилотларининг жорий йилги муҳим вазифалари, хусусан, «Меҳр ва мурувват йили» тадбирларида фаол иштирок этиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. ХДП Косон туман кенгаши пленумида иштирок этган туман ҳокимининг ўринбосари Р.Ҳалимова, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Н.Ҳамраев ва қатор БПТ етакчилари, партия фаоллари мазкур масалалар юзасидан таклифларини билдирдилар.

Пленумларда ташкилий масала кўрилди. Илёсбек Топилов Бешариқ, Одилхон Очилов Косон туман партия кенгашлари биринчи котиблари этиб сайландилар.

**ХДП Паркент туман кенгаши** ва хотин-қизлар қўмитаси билан ўтказган қўшма пленумида ҳам «Меҳр ва мурувват йили»даги тадбирлар, уларни ташкил қилишда ўзаро ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Пленумда бир қатор фаол аёлларга эсдалик совғалари топширилди. Унда Паркент туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Азаматов сўзга чиқди.

Шу туман партия кенгашида «Партия ташкилотларининг сайлов округларидаги фаолиятининг шакл ва услублари» мавзуида фаоллар иштирокида мулоқот ўтказилди. Унда ХДП вилоят ва мазкур туман кенгашлари биринчи котиблари С.Аъзамов, Х.Исаева ва бошқалар иштирок этдилар.

**Партия Қорақалпоғистон республика, Қашқадарё вилоят, Чуст, Кегайли туман кенгашлари**да ҳам партия ташкилотлари ҳаётига оид йиғилишлар ўтказилди. Ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилиниб, тегишли вазифалар белгиланди.

---

**Болалар спорти**

Оққўрғон туманида болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Тумандаги икки коллеж ва қирқ тўққизта мактабда 20 минг нафардан зиёд ўқувчи таълим олади. Улар спортнинг юнон-рум кураши, шоҳмот-шашка, бокс, футбол, волейбол, баскетбол, миллий кураш, таэквондо (ITF) каби турларига жуда қизиқади.

Болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида 2003 йил давомида тумандаги барча мавжуд спорт заллари ва майдонлари қайта таъмирланди. Бунинг учун 28 миллион сўм сарфланди ва мактабларга 11 миллион сўмлик спорт анжомлари олиб берилди.

Тошкент вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган йили 8 миллион сўмлик спорт жиҳозлари ва анжомлари умумтаълим мактабларига топширилган. Айни кунларда «Оққўрғон» ширкат хўжалигида 151 миллион сўмлик болалар спорт мажмуи қурилиши давом этмоқда.

**Суратларда:** пайвандчи Соҳиб Нўъмонов иш устида. (чапдан) Оққўрғон туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси Раҳим Болтабоев, Бўка туманидаги «Жасур-С» хусусий фирмаси раҳбари Мавлуда Арслонова, бош муҳандис Баҳодир Шукуров ва иш юритувчи Имомали Хушбоев иш режасини маслаҳатлашмоқдалар.





*Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар*

---

**Мулоҳаза**

# ЭККАН КИМУ... ЮТГАН КИМ?!

Барча жойда бўлгани каби Хоразмда ҳам ўтган йил охирида қатор ширкат хўжаликлари мулкчиликнинг янги шаклига — фермер хўжаликларига айлантирилди. Тендер-танлов асосида ерлар фермер хўжаликлари юритишга имкони борларга хатлаб берилди. Хўжаликлар тасарруфидаги боғлар эса «кимошди» савдосида сотилди. Мазкур тадбирларни амалга оширган комиссиялар ўз вазифаларини бажариб бўлгач, хўжаликларни қарзга ботирган ва ниҳоят «тарқатган» раислар ҳам қишки дам олишга жўнадилар. Танлов — «кимошди»да ютқазганлар эса турли идораларга ариза кўтариб «ҳақиқат» излашга тушишди.

...Ҳазорасп туманидаги Абдулла Ёқубов номли ширкат хўжалиги тақдири ҳам шу тахлит бўлди. Карвак қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳасанбой Жуманиёзов оила аъзолари билан А.Ёқубов номли ширкат хўжалигининг бир гектар боғини уч йилга тендер бўйича олиб боғдорчилик қилишди. Деярли нобуд бўлаёзган боғни қайта тиклашиб, ерни тўйинтиришди. Янгидан мевали дарахтлар экишди. Боғмисан боғ бўлди.

Ўтган йил охирида ҳукумат қарори билан ширкат тугатилди ва ўрнида фермер хўжаликлари ташкил топди. Боғ ва мулклар «кимошди»га қўйилди. Ҳ.Жуманиёзов «ўзимнинг боғим» деб ўйлаган бир гектарли мевали боғ «кимошди»га қўйилиб, бошланғич баҳоси бир миллион бир юз ўн икки минг сўм қилиб белгиланди. «Кимошди»да талабгор бўлган бошқа бир фуқаро боғни 3549821 сўмга сотиб олди. Ҳ.Жуманиёзов бу миқдордаги маблағи бўлмаганидан савдодан чиқишга мажбур бўлди. Лекин «кимошди»да қандайдир ғайриқонуний ҳолатлар борлигини кейинроқ билиб қолгач, у туман прокурорига ариза берди. Прокурор масалани фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқишни маслаҳат қилди...

Боғни сотиб олган фуқаро пулни бир ҳафта ичида бўлиб-бўлиб тўлади. А.Ёқубов номли ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясининг 2003 йил 3 декабрь куни бўлиб ўтган йиғилиши қарорига кўра «кимошди» савдосида ютиб чиққан даъвогар уч кун ичида пулларни топширмаса, «мулк қайта «кимошди» савдосига қўйилиши» алоҳида қайд қилинган.

Бу ҳолатни шарҳлашни **вилоят адлия бошқармасининг шартнома бўлими бош маслаҳатчиси Руслан ЖУМАНИЁЗОВ**дан илтимос қилдик.

— «Ким кўп пул тикса, «кимошди»да ютиб чиқади ва мулкка эгалик қилади. Пул тўлаш муддати чўзилиб кетганлигининг қонунга хилоф жиҳати йўқ. Чунки бу борада ҳали ҳеч ким ўз вақтида даъво қилган ҳам эмас...»

Демак, «кимошди» савдолари қонуний тарзда амалга оширилганига эътироз қилмаган ҳолда айтмоқчимизки, бу ҳақда фуқароларга уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳали етарли, тўла тушунтирилмаган. Ҳуқуқий саводсизлик (оддий боғбон бунинг менга ҳожати йўқ деб ўйлагандир) туфайли Жуманиёзовнинг ютқазиши реал воқеаликка айланди. «Кимошди»да ютган фуқаро М.Солиев эса барча қонуний ҳужжатлар асосида ҳақ. Аммо... масаланинг бошқа томони бор.

«Ўз боғи»ни ютқазган Ҳ.Жуманиёзов бу билан оиласини тебратиб келган манбадан ажралиб қолди. Шу холосми? Йўқ. Эртага бу боғ тағин барбод бўлмайди, деб ким кафолат бера олади? Ахир халқимизда: «Чумчуқ сўйсаям қассоб сўйсин», деган гап бор. Боғнинг ҳозирги эгаси тадбиркор одам. Боғ эса — алоҳида соҳа, алоҳида олам... Боғбон аталмиш касб тушунчаси беҳудага муомалага киритилмаган.

Хулоса шуки, бу ерда фақат Ҳ.Жуманиёзов ютқазмади. Шундоғам, экологик номутаносиблик шароитида табиатига путур етаётган воҳада мавжуд боғларни сақлаб қолиш — ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, боғ деганимиз уч-тўрт йилда барпо бўладиган осон юмуш эмас.

Аммо кимнинг хизмати, кимнинг лаёқати, мутахассислиги инобатга олиниб, боғларни танлов-тендер асосида мулкчиликнинг янги шаклига ўтказиш мумкин эди-ку.

Билмадик. Биз мулоҳаза юритдик, холос. Айни пайтда Ҳасанбойга ўхшаб турли идораларга ариза кўтариб юрганлар оз эмас. Боғлар ҳам, унумдор ерлар ҳам асл деҳқону, асл боғбонга эмас пулдор кишиларга насиб қилаётгани бор гап бўлиб қолаяпти...

**Тузалбой РАҲИМБОЕВ,**
**журналист,**
**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ИБРАТИ

## ОЛИШ МУМКИНЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ

— Деҳқончиликда вақт ҳамма нарсани ҳал қилади, — дейди Бердимурод Тўраев. — 2002 йилда пахта терими декабрь ойигача судралди. Йўқ, бизнинг айбимиз йўқ эди, юқоридан шудгорга рухсат беришмади. Натижада кеч экилган 320 гектар ғалла ҳосилдорлиги 31 центнер бўлиб қолди. Ўтган йили эса чигит барвақт экилди. Шу туфайли режадагидан анча ошиқ пахта сотдик. Ҳосилнинг 91 фоизи I навга қабул қилинди. Қандай қилиб бунга эришдик? Тўғри, оғир бўлди. 12 апрелда чигитни экиб бўлгандик, кўп ёмғир ёғди. 70 кун ғўза ривожланмай турди. Жами 49 пудратчимиз бор. Олтмиш икки ёшли пудратчи Суюн бобо Улашев «сувни кечиктир, ишловга зўр бер», дея маслаҳат берди. Унинг маслаҳатига амал қилдик, май ойи ишлов, озиқлантириш билан ўтди, июнь ойи бошида суғора бошладик. Суюн бобонинг ўзи 20 гектар ерда ҳосилдорликни 42 центнерга етказди. Агар 100 миллион сўм соф фойда олган бўлсак, асосийси пахтачиликдан.

— Биз 1810 тонна пахта сотдик, режадан ошди, — дейди Салим Жўраев номли ширкат раиси Жомурод полвон Пирназаров. — Ғўза қатор ораларига чуқур ишлов беришни жорий этдик. Минерал ўғит билан ўз вақтида ва етарли таъминланди. Пахта нима берди? — деб сўраяпмиз. Илгари хўжалигимиз қолоқ эди. Ўзимизни тутиб олдик. Дивиденд бераяпмиз. Эски клубни таъмирлашга 10 миллион сўм сарфлаб, спорт залига айлантирдик, болаларимиз шуғулланаяпти. Қишлоқларимизга газ қувурларини тортиб келаяпмиз...

— Сиз айтган катта тажриба йўқ, аммо яхши ишлар бор, — дейди туман ҳокими Файзулла Ашуров. — Пахта мамлакатимиз иқтисодининг таянчи. Ҳукумат қарори билан режадан ошиқ пахта учун 20 фоиз устама белгиланди. Шу туфайли пахтачиликдан 3 миллиард сўмга яқин соф фойда келаяпти. Ҳамма хўжаликлар юқори натижага эришди, Пахта сотиш шартномасини «Соҳибкор» хўжалиги 153 фоиз, «Кўкдала» эса 119 фоиз қилиб уддаладн. «Меҳнатобод» қолоқ хўжалик эди, тўла фермерлар уюшмасига айлантирилди. Натижада, пахта режаси 145 фоизга уддаланди. Қишлоқ хўжалигида фермерлик истиқболли йўл. Ўтган йили фермерларимиз 9680 тонна пахта етиштириб беришди. Бу йил ҳам анча хўжалик фермерлар тузиш ихтиёрини билдирди. Чунки ер эгасини топяпти. Бироқ техника, ўғит, ёнилғи таъминоти билан боғлиқ масалаларни фермерлар учун ҳал қилиб беришимиз, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак...

— 1974 йилда туманимиз мамлакатда биринчи бўлиб пахта режасини бажарганди, — дея эслайди меҳнат фахрийси Усмон бобо Ҳамроев. — Кейинги бир неча йилда пахтачиликда айрим қийинчиликларга дуч келдик. Ўтган йилги ютуқлар шуни кўрсатаяптики, деҳқонларимиз бу соҳада ҳам яхши тажрибага эга. Ҳукуматимизга раҳмат. Ҳамма вақт қўллаб турибди.

Меҳнат фахрийси ҳақ гапни айтди. Юртбошимиз мамлакат раҳбарлигига келган кунларданоқ, Чироқчи ва Деҳқонобод каби шароити, иқтисоди оғир туманларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келяптилар. Истиқлол арафасида бу ҳақда ҳукуматнинг алоҳида қарори ҳам қабул қилинган, анча ижобий ишлар, қурилишлар амалга ошганди. Истиқлол йилларида туманни ривожлантириш, янги мактаблар, коллежлар қуриш режалари рўёбга чиқмоқда. Чироқчи деҳқончилиги билан ҳамиша оғизга тушиб келган... Лалмикор ерларда, ўркач-ўркач адирларда етиштирилаётган ғалла салмоғи катта. Энди пахтачилик ҳам фойда берадиган тармоққа айланмоқда. Шу маънода ҳам Чироқчи тажрибаси ибратли.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ПАРРАНДА ГРИППИ: ПАНДЕМИЯГА АЙЛАНИБ КЕТМАСИН-ДА

Аслида XXI аср тараққиёти, илм-фани парранда гриппининг пандемия (катта ҳудудларга тарқаладиган эпидемик касаллик)га айланиб кетишига йўл қўймаслиги шарт. Ва шундай бўлса ҳам керак. Негаки, бугунги кунда жаҳон олимлари айнан шу мақсад йўлида бирлашиб ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ касаллик тарқалишига бутунлай чек қўйиб бўлмаяпти. У янада кенгроқ ҳудудларга тарқалиб бормоқда. Айрим мамлакатларда эса бу касаллик яна қайтадан «бош» кўтармоқда. Масалан, Reuters агентлигининг маълум қилишича, Хитойнинг Хэнан музофотидаги иккита парранда фабрикасида яна касаллик тарқалганлиги қайд этилган. Ҳозир Шаодун округи маъмурияти эпидемияга қарши кураш мақсадида музофотдаги паррандаларни йўқ қилиш тадбирини ўтказмоқдалар. Шу ўринда айтиш лозимки, Хитойдаги 31 музофотдан 15 тасида ушбу касаллик қайд этилган. Ёки Японияда ҳам касаллик қайтадан тарқалаётганлиги маълум бўлди. Кюсю оролидаги паррандаларнинг ёппасига ўлимини тадқиқ этган мутахассислар буни тасдиқламоқда.

Японияда бу касаллик биринчи марта шу йил январда Хонсю оролида қайд этилган. Таиланд пойтахти Бангкок яқинидаги икки қўриқхонада эса парранда гриппидан энди лайлаклар ҳам нобуд бўлаётганлигини Табиий бойликлар ва атроф-муҳит муҳофазаси вазирлиги маълум қилди. Шу кунгача 20 га яқин лайлак айнан шу касалликдан нобуд бўлган. Лаосда сўнгги кунларда касалликка чалинган ёки чалинмаган бўлишидан қатъи назар 40 минг парранда йўқ қилинди. Касаллик тарқалишини назорат қилувчи миллий марказ ходимлари хабар беришича, паррандаларни йўқ қилиш операцияси мамлакат пойтахти атрофидаги 16 та фабрикада ўтказилди. Марказ директори Бунлома Дуангеннинг айтишича, аслида грипп 5 та фабрикада тарқалган.

АҚШнинг маҳаллий матбуоти хабарларига қараганда, Пенсильвания штатида ҳам парранда гриппи тарқалганлиги қайд этилди. Бу касаллик тарқалган Делавер ва Нью-Жерси штатларидан кейинги учинчи штатдир.

Камбоджа аҳолиси эса парранда гўшти истеъмолини умуман тўхтатди. Эндиликда улар парранда ўрнига каламуш гўштини кўпроқ истеъмол қилишмоқда. Мамлакат шимоли-ғарбидаги Батаамбанг музофотида истиқомат қилувчи сотувчилардан бири кунига ўртача 60 килодан каламуш гўшти сотаётганлигини Le Monde агентлиги мухбирига маълум қилган.

Умуман, шуни айтиш лозимки, бугунги кунда касаллик тарқалган 10 та Осиё давлати, шу жумладан, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Индонезия ва Таиланддан дунё ҳамжамияти парранда гўшти импортини тақиқлаган. Яқинда эса Хитой ва Жанубий Корея АҚШдан парранда гўшти олишни тўхтатди. Шу пайтгача олинганлари эса экспорт қилувчиларга қайтарилади ёки йўқ қилинади.

Дарвоқе, Associated Press агентлиги ёзишича, ўтган йили Хитой четдан 709 минг тонна парранда гўшти олган бўлса, шунинг 96 фоизи АҚШга тўғри келади.

Россия ҳам АҚШнинг Делавер, Техас ҳамда унга қўшни штатлардан парранда гўшти импортини тўхтатди. Россия қишлоқ



хўжалиги вазири Алексей Гордеевнинг айтишича, бу тақиқлов нафақат бир-икки штатга, балки бутун АҚШга нисбатан жорий қилиниши ҳам мумкин экан.

Покистон ҳукуматининг қарорига кўра эса Вьетнам, Шимолий Корея, Таиланд, Япония, Индонезия, Камбоджа, Тайбэй, Лаос ва Хитойдан мамлакатга парранда ва унинг гўшти олиб келиш тақиқланди. Япония худди шундай тақиқловни Канадага нисбатан қўллади.

Энди савол туғилади: мазкур касалликка қарши кураш фақат паррандаларни йўқ қилишдану унинг гўштини истеъмол қилишни тақиқлашдангина иборат бўлиб қолмаяптимикин? Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТ, Халқаро эпизоотия (ҳайвонларда юқумли касалликлар кенг тарқалиши) бюроси ва умуман олимлар, илмий-текшириш институтлари мутахассислари бу борада бирор-бир иш қиляптими, деган саволлар ҳар қандай кишини безовта қилиши табиий.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, парранда гриппига қарши кураш, унинг олдини олиш бўйича дунёвий ишлар бошлаб юборилган.

Аслида бундай касалликнинг дунёвий ҳуруж қилиши биринчи марта эмас. 1918 йили юз берган испанка пандемияси натижасида дунё бўйича 20 миллион киши қурбон бўлган.

Гап шундаки, АҚШ ва англиялик олимлар яқинда ўтказган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, испанка ҳам айнан парранда гриппидан бошланган. Олимлар Аляска музликларидан топилган одам мурдасидан (1918 йилда айнан испанкадан ўлган) олинган вирусни шу пайтгача АҚШ ва Европа лабораторияларида сақланиб келаётган вирус намуналари билан солиштириб, шундай хулосага келдилар. Олимларнинг Science журналига берган интервьюсида баён қилинишича, одамлар аввал парранда гриппидан зарарланганлар. Вирус инсонга мослашиб, одамдан одамга юқа бошлаган ва 20 миллион кишининг умрига зомин бўлган. Бу фикрлар парранда гриппи ҳақидаги қарашларни ўзгартирса ажаб эмас. Негаки, яқингача парранда гриппи одамга юқмайди, жуда камдан-кам ҳолларда бу рўй беради, деб келинарди. Ваҳоланки, бугунги кунда ҳам парранда гриппидан нобуд бўлган инсонлар оз эмас. Масалан, Вьетнамда 13 киши, Таиландда 18 киши айнан шу касалликдан нобуд бўлди.

Ҳозир Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ушбу касалликни тўлиқ назорат қилишга ҳаракат қилмоқда. Февраль бошларида мазкур касаллик бўйича Римда бўлиб ўтган икки кунлик конференцияда ЖССТ вакиллари дунё бўйлаб «тревога» кўтарди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти, ЖССТ ва Халқаро эпизоотия бюроси касалликни назорат қилишнинг уддасидан чиқиб бўлмаётганлиги ҳақида баёнот бердилар. Шу билан бирга жаҳон жамоатчилигини ваҳимага тушмасликка, касалликка қарши кенг қамровли чоралар қўллашга, жумладан, касал паррандаларни ёппасига йўқ қилиш, вакциналаш ва карантинлаш тадбирларини қўллашга чақирди.

Дарҳақиқат, бу ҳам самарали чора-тадбирлардан бири. Олимлар бу борада илмий-тадқиқот ишларини тезлаштирмоқдалар. Парранда гриппининг айнан қандай штаммлар (микроорганизмлар)и инсоният учун хавфли эканлигини ўрганмоқдалар. Ҳозирча олимлар 1918 йилги пандемия, 1957 йилги Осиё гриппи ва 1968 йилги Сяньган гриппи эпидемиялари штаммларини бугунги касаллик штаммлари билан солиштириб, ўрганиб чиқдилар. Бугунги кун парранда гриппи вируси 1918 йилгидан фарқли ўлароқ инсоният учун кўп ҳам хавфли эмас экан. Яъни вирус паррандадан одамга юққан тақдирдаям, лекин одамдан-одамга юқмайди.

Яна бир янгилик. Австралия олимлари яратган вирусга қарши вакцина Австралия ҳамдўстлиги илмий-текшириш институти лабораториясида биринчи тест синовларидан ўтказилди. Relenza, дея номланган бу вакцина вируслар тарқалишини тўхтатиб, касаллик аломатларини камайтиради.

Демак, инсоният ушбу касаллик олдида довдираб қолмайди. Унинг пандемияга айланишига йўл қўймайди.

**Алимқул СУЛТОН**

XORIJDA

Шарҳ

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА НОМЗОДЛАР:

# КИПРДА НИМА ГАП?

Сиёсатнинг ўйинлари кўп. Уларни англаш, кўзланган мақсаднинг моҳиятига етиш, хулоса чиқариш жуда мураккаб. Баъзан жаҳоннинг у ер-бу ерида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни, юзага келган вазиятни, пайдо бўлган муаммони кузатар экансиз, ким ҳақ ёки ноҳақлигини аниқлай олмай қийналасиз. Баъзан жараёнлар шу даражада мураккаблашиб кетадики, пайдо бўлган муаммонинг ечимини тополмай қоласиз. Чунки, у ёки бу жараёнларда томонлар фақат ўз манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар ва тугунни тобора чигаллаштириб бораверадилар. Биз Яқин Шарқда ана шундай вазият юзага келганлигини яхши биламиз. Шунингдек, Кашмир билан Кипрда пайдо бўлган муаммолардан ҳам хабардормиз. Ушбу шарҳимизда Кипр билан боғлиқ масаланинг моҳияти атрофида фикр юритмоқчимиз.

Кипр ҳудудий жиҳатдан Осиёда жойлашган нисбатан кичик давлат. Унинг ҳудуди 9,3 минг квадрат километр бўлиб, яхлит оролдан иборат. Пойтахти Никосия. Мамлакатда жами 800 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Туб аҳоли асосан греклар билан турклар. Миллий-этник низо ҳамда ташқи манфаатдор кучларнинг таъсири туфайли мамлакат ҳудудий жиҳатдан икки қисмга бўлиниб қолган. Ана шу бўлиниш натижасида Шимолий Кипр Туркия Республикаси пайдо бўлди. Бу давлатни жаҳон ҳамжамияти тан олмади, бироқ Туркия у билан яқин дўстона ҳамда давлатлараро муносабатлар ўрнатди. Кипрнинг греклар яшайдиган қисми Грециянинг таъсир доирасида қолди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса Кипр яхлитлигини тан олади. Шу важдан кўп йилдан бери унинг яхлитлигини таъминлаш учун кураш олиб бориляпти. Айниқса, БМТ билан Европа Иттифоқининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор. Томонларни муросага келтириш учун кўп уринишлар бўлди. Яқинда БМТ Бош котиби Кофи Аннан қарама-қарши томонларнинг етакчиларини бир давра столи атрофига ўтқазиб, музокара олиб борди. Албатта, бу навбатдаги жиддий ҳаракатнинг бошланиши эди. Аниқ натижа ҳақида гапириш эса ҳали эртароқ кўринади.

Хўш, нега Кипрдаги аҳвол бугун яна долзарб масала сифатида кун тартибига чиқди?! Гап шундаки, 2004 йилнинг май ойида Чехия, Венгрия, Польша, Словения, Словакия, Мальта, Эстония, Литва, Латвия давлатлари қатори Кипр ҳам Европа Иттифоқига қабул қилинади. Унгача эса Кипрдаги муаммо ҳал қилиниши керак. Яъни, Кипрнинг яхлитлиги таъминланиши лозим. Бу, аввало, орол давлатда яшаётган греклар билан турклар ўртасида яраш битими имзоланишига ва бу жараёнда Туркия билан Грециянинг фаол иштирок этишларига боғлиқ. Шунингдек, Европа Иттифоқининг масалага қандай ёндашишида ҳам гап кўп. Ҳатто сиёсатчилар орасида, агар Кипрнинг яхлитлиги таъминланмаса, шимолий ҳудудларсиз ҳам, яъни Шимолий Кипр Туркия Республикасиз ҳам бу давлат Европа Иттифоқига аъзо бўлиши мумкин, деган фикр юрибди. Борди-ю шундай ҳолат юз берса, бу Туркиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишига соя солади. Чунки, Европа Иттифоқи Кипрнинг яхлитлигини таъминлашда Туркиянинг ўрни ва иштирокига катта аҳамият бериб келмоқда ҳамда шу йўл билан мақсадга эришишга умид қилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам Туркия Шимолий Кипрга айрим масалаларда таъсир кўрсатиш кучига эга.

Сиёсатнинг ўз қонунлари бор. Бу қонуниятларни қандай қўллаш кераклигини жиловни қўлда ушлаганлар ҳал қиладилар. Жумладан, айрим сиёсат арбоблари Туркияни Европа Иттифоқи аъзолигига қабул қилиш ҳақида гап боргудек бўлса, Туркия Европа давлати эмас, Осиёда жойлашган, деган даъво билан чиқмоқдалар. Улар Осиёда жойлашган Кипрга нисбатан эса бундай дейишмаяпти. Ваҳоланки, Туркия ҳудудининг бир қисми Европага туташиб кетган. Эҳтимол Кипр стратегик жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашганлиги учун унга қизиқиш ва эътибор каттадир. Бу ерда Европадаги давлатлардан бирининг ҳарбий базаси бор. Балки бошқа давлатларнинг ҳам қандайдир манфаатлари бордир. Одатда, манфаатлар тўқнашган жойда ҳақиқат чекинади ва сиёсатнинг қонуниятлари ҳакамликни даъво қила бошлайди.

Албатта, Кипрда Туркиянинг ҳам манфаатлари бор. У ерда турклар яшаганлиги учун эмас, аввало, Туркия ҳудудий жиҳатдан Кипрга энг яқин давлат бўлгани учун. Бунинг устига ҳар қандай давлат ҳам қўшнисининг уйида ўзгалар хўжайинлик қилаётганлигидан, сўзсиз, хавотирга тушади. Шу жиҳатдан олганда, Туркияни тушуниш мумкин. Яна бир гап: 1960 йилда Туркия билан Греция ўртасида имзоланган аҳдлашувга кўра, Туркия аъзо бўлмаган ташкилотга Кипрнинг ҳам аъзо бўлиб кириши мумкин эмас. Агар шу аҳдлашувга амал қилинадиган бўлса, Туркия билан Кипр Европа Иттифоқига бир пайтда қабул қилиниши лозим бўлади. Амалда эса Кипр учун муддат шу йил май ойига белгилангани ҳолда Туркия учун бу борада ҳали музокаралар бошлангани йўқ. Тахмин қилинишича, музокаралар 2004 йилнинг декабрь ойида бошланиши кутилмоқда.

Еврокомиссия раиси Романо Проди бу йил Туркияга ташриф буюрганида Кипр муаммосини ҳал қилиш масаласига жиддий эътибор қаратди. У барча сиёсий кучларни масалани тинч йўл билан ҳал қилиш учун музокара бошлашга чақирди ва кипрлик греклар билан кипрлик турклар биргаликда Европа Иттифоқининг фуқаролари бўлишларига умид билдирди.

Томонларнинг муносабатлари эса турлича. Греция мудофаа вазири Ианос Папантаниоснинг «Ҳурриет» газетасига берган интервьюсига кўра, агар Кипр масаласи ҳамда Эгей денгизи муаммоси ҳал қилинмаса, Греция ўзини хавфсиз ҳис этмайди ва Туркиядан хавф туғилиши мумкин, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, у икки давлат ҳарбий маҳкамалари ҳамкорлигини чуқурлаштириш зарурлигини ёқлаб гапирди.

Шимолий Кипр раҳбари Рауф Денкташнинг фикрича, Кипр Европа Иттифоқига стратегик мақсадлар учун керак. Шунингдек, у бу орол давлатда Туркиянинг ҳам ўз манфаатлари бор, деб ҳисоблайди.

Туркия бош вазири Режеп Эрдоганнинг фикри эса лўнда ва аниқ. Унинг «Жумҳуриет» газетасида босилган баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, Туркия Кипр муаммосини ҳал қилишда изчил ва қатъиятли, лекин Греция ва кипрлик греклар ҳам ён босиш йўлидан боришлари керак, деб ўйлайман.

Эҳтимол томонлар ён босиш йўлидан биргаликда бориб, шу йил май ойигача муроса манзилига етиб олишар.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

## ҚУРОЛЛИ АГЕНТЛАР ҚЎРИҚЛАБ БОРАДИ

Европа Иттифоқига аъзо беш йирик давлат вакиллари самолётларни парвозда қуролли агентлар қўриқлаб бориши ҳақида ўзаро келишиб олдилар. Германиянинг Гармиш-Партенкирхен курортида ўтказилган Буюк Британия, Франция, Германия, Италия ва Испания давлатларининг адлия вазирлари учрашувида бу тўғрида битим имзоланди.

Маълумки, ўтган ойда АҚШ маъмурияти самолётлар парвози муҳофазаси борасида худди шундай ташаббус билан чиққан ва кўпгина давлатларни шундай қилишга чақирган эди. Ўшанда ЕИга аъзо мамлакатлар қуролли агентлар жорий этишни хоҳламаган эдилар.

**FACULTY DEVELOPMENT FELLOWSHIP PROGRAM 2005**

The Open Society Institute is pleased to announce the Faculty Development Fellowship Program for Azerbaijan, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, and Uzbekistan. Each award recipient will spend one semester at a university in the United States and return home to resume teaching. Renewals for up to two additional years are possible.

The program seeks to encourage pursuit of academic careers by outstanding junior faculty; generate innovative approaches to curricular and pedagogical reform in the countries served; support the development of regional and international institutional partnerships and collaborative projects.

Applicants must meet the following requirements:

1. Currently hold a full-time teaching position in the field of **art history, cultural anthropology, history, philosophy, political science, religion, or sociology** at an accredited university in Azerbaijan, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, or Uzbekistan
2. Have an excellent academic record
3. Possess strong written and spoken English language abilities
4. Hold an advanced degree (minimum: five-year diploma) from a recognized institution of higher education
5. Able to begin the program in January 2005 and continue through May 2006
6. Have approval of home institution rector or vice-rector to be absent January-May 2005 and January-May 2006
7. Legally residents of Azerbaijan, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, or Uzbekistan.

The following are ineligible:

1. Teachers of any other subjects outside of those listed in point one criteria above
2. Teachers of English as a foreign language
3. Persons enrolled in a US academic program
4. Persons earning a salary or living in the United States
5. Persons who have spent three or more consecutive months outside of home country since January 2003.

Participant Responsibilities

**US Component:** Grantees will be assigned faculty mentors and will be expected to participate in the classroom as well as assist the professor with class-related tasks. The program is focused on learning alternative approaches to teaching and developing appropriate curricula for the home institution. Ideally, grantees will also absorb other aspects of US higher education such as administrative structures and student-related services which may be applicable to the home institution. Grantees are expected to develop course plans and related materials for new courses.

**Home country component:** During the home semester and summer, grantees will be expected to maintain contact with their US mentor and develop plans for sustaining that relationship. They will be expected to test teaching methods and course material developed while in the United States. It is expected that grantees will share information and resources with colleagues and home institution administrators. OSI staff will work with grantees to ensure that grantees are fully cognizant of other initiatives in higher education reform to which they can contribute and use to further their professional goals.

**DEADLINE: MARCH 15, 2004**

For the application form, program guidelines, university nomination form, and further information, see:
**http:// www.soros.org/initiatives/scholarship/fokus areas/facult scholarships/guidelines**

**Return the completed application to the appropriate address on or before this date. Faxed or emailed applications will not be accepted.**

**Details and application forms can be obtained at:**
Open Society Institute Assistance Foundation-Uzbekistan
700031, Tashkent, Uzbekistan
31 Zarbog or 29 Maryam Yakubova strs.
Tel:(99871) 1205010/11, 1205408/10/11/12/13
Fax: (99871) 1206854
Contact person: Zukhra Abdurakhmanova
E-mail: zukhra@osi.uz

# «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» — 600 ЁШДА

Яқинда соҳибқирон Амир Темур бобомиз таваллудининг 668 йиллиги олдидан жамғармада йиғилиш бўлиб ўтди. Республикамизнинг етакчи олимлари иштирок этган бу тадбирни илмий кенгаш раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али олиб борди.

Маълумки, 2006 йилда Амир Темур таваллудига 670 йил тўлади. Шу қутлуғ айём олдидан амалга ошириладжак ишлар ва тадбирлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Истиқлол шарофати билан Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик юбилейи ЮНЕСКО доирасида дунё миқёсида нишонланган эди. Темурийлар даври ҳақида кўплаб бадиий ва илмий китоблар нашр этилди, тадқиқотлар олиб борилди, халқаро илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Шаҳрисабзда «Амир Темур ҳамда темурийлар даврида Қашқадарё воҳасида ижтимоий ва маданий ҳаёт» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди... Аммо ҳанузгача Темур ва темурийлар даврини чуқур ўқиб-ўрганиш, шу давр китобларини нашр этиш долзарб масалалардан бўлиб қолаётир.

— «Темур тузуклари» улкан, тенгсиз ва ноёб адабий ёдгорлигимиздир, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров. — У Амир Темур даҳосининг тажассуми сифатида пайдо бўлди. Бундай китоблар жуда кам учрайди. Унда соҳибқироннинг кенг қиррали фаолияти ҳамда яратилган улкан давлат тузуклари ўз ифодасини топган. Унга фақат тарихий библиографик асар сифатидагина эмас, балки адабий ёдгорлик сифатида ҳам ёндашишимиз, халқ орасида кенг тарғиб қилишимиз зарур.

Амир Темур ўз давридаёқ жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш мамлакат учун жуда муҳимлигини англаб етган. Шунинг учун у Европа мамлакатларига элчилар юборди ва ўз навбатида уларнинг элчиларини қабул қилди. Шулардан бири Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳисобланади. У 1404 йилда мамлакатимизга ташриф буюрган, Самарқанд, Шаҳрисабз сингари қадимий шаҳарларимизда бўлиб, юртимиз қудратига, шон-шавкатига тан берган. Буни қарангки, соҳибқироннинг «Темур тузуклари» асарининг яратилганига ҳамда бобомизнинг Кастилия элчисини қабул қилганига ҳам олти юз йил тўлибди.

Йиғилиш сўнггида айтилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, «Темур тузуклари» яратилганининг 600 йиллигига бағишлаб нуфузли анжуман ўтказиш, асарнинг янги безакли нашрини тайёрлаш ҳамда Қарши шаҳрида «Амир Темур: халқаро муносабатлар» номли анжуман уюштириш, шунингдек, темурий маликалар портретларини тайёрлаш юзасидан қарор қабул қилинди.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

Спорт

# КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

**Шу кунларда пойтахтимиздаги шоҳмот-шашка клубида шоҳмот бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари давом этмокда. Бу йилги мусобақа илк бор икки босқичда ўтяпти.**



— Бунга биринчилик қатнашчилари сонининг аввалгиларига нисбатан анча ошганлиги сабаб бўлди, — дейди шоҳмот федерацияси бош котиби Адҳам Юнусов. — Кўплаб спортчиларимиз жаҳон ва Осиё чемпионатлари, шунингдек, халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашяптилар. Бу эса иқтидорли ёшларнинг республика миқёсидаги мусобақалар, жумладан, биринчиликларда имкониятларини синовдан ўтказишлари учун туртки бўлмоқда. Шу боис, федерация уларнинг қизиқиш ва иштиёқларини ҳисобга олган ҳолда биринчилик учрашувларини икки босқичда уюштиришга қарор қилди.

Эркаклар ўртасида дастлабки босқич баҳслари ўтган якшанба куни поёнига етди. Унда вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан 44 нафар қатнашчи ҳал қилувчи йўлланма учун дона сурдилар. Эътиборлиси, мусобақа иштирокчиларининг ўттиз нафарини 12-16 ёшли умидли шоҳмотчилар ташкил этди.

Швейцарча усулда ўтказилган баҳсларда юқори кўрсаткичларга эришган Мирсодиқ Содиқов (8,5 очко, Тошкент вил.), Элдор Исмоилов (8), Руслан Турсунов, Александр Касьян, Элиёр Назаров, Фаррух Каримов (барчаси Тошкентдан), Тимур Мустафин (7,5 тадан, Қашқадарё), Адҳам Эминов (Фарғона) ҳамда Сергей Федяшин (7 тадан, Тошкент)лар ҳақли равишда олий лига йўлланмалари учун курашадиган бўлишди. Иккинчи босқич мусобақалари бугун бошланади.

Қизлар ўртасидаги биринчи лига учрашувларида эса жами 32 нафар шоҳмотчи дона сурди. Тўққиз кун давом этган қизиқарли баҳслар якунида олий лига дебютантлари номи маълум бўлди. Мусобақада муваффақиятли дона сурган Нафиса Мўминова (Фарғона), Ирина Тошмуродова (иккаласи ҳам 7,5 тадан очко тўплаган, Қашқадарё), Ирина Геворкян (Тошкент) ҳамда Шаҳрибону Қуттибоева (7 тадан, Қорақалпоғистон)лар энди апрель ойида бўладиган олий лига учрашувларида қатнашадилар.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Суратда:** мусобақа ғолиби Нафиса Мўминова.

Футбол

# БУГУН ВА ЭРТАГА...

Хабарингиз бор, 10-11 февраль кунлари мамлакатимизнинг етакчи футбол жамоалари — «Нефтчи» ва «Пахтакор» Осиё чемпионлари лигасининг дастлабки тур учрашувларини ўтказганди. Афсуски, сафарда Эрон клубларига қарши майдонга чиққан ҳар иккала жамоамиз ҳам илк ўйинда мағлубият аламини татиб кўришди. Буни аксарият мутахассисларимиз ҳали мамлакатимиз ички чемпионати баҳслари бошланмаганлиги билан изоҳлашганди.

Бугун ва эртага жамоаларимиз ўз гуруҳларидаги иккинчи тур учрашувларини ўтказадилар. Жумладан, Саудия Арабистони чемпиони «Ал-Иттиҳод» клуби бугун Фарғонада «Нефтчи» футболчилари меҳмони бўлса, эртага «Пахтакор» «Қатар СК» (Қатар) жамоасини қабул қилади. Хўш, футболчиларимизнинг имкониятлари қандай? Буни эса учрашувдан сўнг билиб оламиз.

Интер-спорт

# «ЧЕЛСИ» ИМКОНИЯТНИ ЙЎҚОТДИ

Чукотка губернатори Роман Абрамович сотиб олган Лондоннинг «Челси» клуби ҳақида гаплар кўпайиб кетди. Россиялик бойваччанинг исталган футболчини сотиб олмоқчи бўлганию, клубнинг Англия чемпиони бўлиши ҳақидаги сўзлари ҳам мухлисларни ўйлантириб қўйган эди. Аммо гап бошқаю иш бошқа деганлари рост экан. «Челси» «Арсенал» билан учрашиб, 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраб, Англия чемпиони бўлиш имкониятини бой берди. Бу ҳисоб «Арсенал»нинг мамлакат чемпиони бўлиш мавқеини янада яхшилаган бўлса, «Челси»ни пешқадамдан 9 очко ортда қолишига сабаб бўлди.

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### МЕНДАН КЕТГУНЧА, ЭГАСИГА ЕТГУНЧА

«Қўлдан кетгунча, эгасига етгунча»; «Биздан кетгунча, уйига етгунча». Бу мақолларни харамзалик, кўзбўямачилик, палапартишлик билан наридан-бери иш қилиб, «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» нарса тайёрлаб, тезроқ пулни ундириш ниятида бўлган кишиларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

### МЕҲНАТ, МЕҲНАТНИНГ ТАГИ — РОҲАТ

Инсоният босиб ўтган узундан-узоқ йўл меҳнат жараёнидан иборатдир. Инсон ўзининг жамики бойликларини меҳнат, фақат меҳнат туфайли яратади. Шу боисдан кишилар меҳнатни қадрлайдилар, улуғлайдилар, ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялайдилар. Шу боисдан жаҳондаги барча халқларнинг мақолларида бўлгани каби ўзбек мақолларида ҳам меҳнат ва меҳнатсеварлик ғояси марказий ўринлардан бирини эгаллайди: «Етмиш гўзалликнинг биттаси — меҳнат», «Гўзаллик ҳуснда эмас, меҳнатда», «Йигит ҳусни — меҳнати билан», «Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар», «Меҳнат — роҳатнинг пойдевори», «Роҳатнинг онаси — меҳнат».

### МЕҲР ТЕМИРНИ ЭРИТАР, ҚАҲР ТОШНИ ЁРАР

«Меҳр тошқини — дарёдан кучли», «Қулф — ўғри учун, меҳр — тўғри учун», «Меҳр — икки кўзда», «Юз — юзга тушар, меҳр — кўзга», «Умр йўлдошингнинг маҳрига боқма, меҳрига боқ» (маҳр — никоҳ вақтида куёв томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк).

# ОЛИМПИАДА ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ




Шу йил август ойида Афинада бошланадиган Олимпия ўйинлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича Грецияга НАТО катта ёрдам кўсатмоқчи. Яап де Хооп Шеффернинг баёнотига қараганда, Олимпия ўйинлари пайтида НАТОнинг жанговар самолётлари ҳамда ҳарбий бўлинмалари Шимолий Атлантика ҳудудида ҳозиру нозир бўлиб турар экан. Мақсад спорт байрами чоғида бирон-бир террорчилик акти содир этилишига йўл қўймаслик. Шуни ҳам эслатиш жоизки, Афина Олимпия ўйинлари 2001 йил 11 сентябрда АҚШда юз берган нохушликдан кейин ўтказилаётган йирик спорт мусобақасидир.

Яап де Хооп Шеффер Греция ташқи ишлар вазири Тассос Янницис билан учрашгандан кейин: «НАТО ўз режасига мувофиқ Олимпия ўйинлари хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилади, бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли» деди. Греция эса спорт ўйинлари хавфсизлигини таъминлаш учун оз эмас-кўп эмас 1 миллиард АҚШ доллари ажратган.

Саломатлик масканларида

# «ТУРОН» СИҲАТГОҲИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



— Дунёда ҳам аччиқ, ҳам ширин нарса бор — бу тилдир. Эъзозга хос бу мушоҳаданинг тиббиёт ходимларига ҳам дахли бор, — дейди «Турон» санаторийси очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Абдувакил ҒОЗИЕВ. — Боиси, бобокалонимиз Ибн Сино айтганларидек, дардманд киши билан дастлабки муносабат муомала маданиятидир. Шифокорлар қанчалик ширин сўз ва муомала соҳиби бўлишса, беморларнинг диллари шунчалик ёришиб, кўнгиллари яйрашини кўп бора кузатганмиз. Демак, муолажада биринчи шифо — сўз малҳами, десак муболаға бўлмайди. Агар хасталик шунда ҳам чекинмай, хуруж қиладиган бўлса, унда дори-дармон қўлланилади ва ниҳоят охирги муолажа жарроҳлик амалиёти билан поёнига етказилади. Сирасини айтганда, бизнинг сиҳатгоҳга шифо излаб келаётганларнинг сони кун сайин ортаётир. Аввало, «Турон» санаторийси пойтахтнинг чеккасида, табиатнинг ажиб гўшасида, муҳими денгиз сатҳидан 360 метр баландликда жойлашганлиги билан ҳам даволанувчиларни ўзига кўплаб жалб қилаётир. Сиҳатгоҳимиз 300 ўринга мўлжалланган.

Бу ерда асосан кардиология, неврология, гинекология, андрология ва кардиология-реабилитация бўлимлари мавжуд бўлиб, асосан юқори малакали шифокорлар хизмат кўрсатишади. Хусусан, юрак-қон-томир, асаб, бўғим касалликлари, аёллар ва эркаклар аъзоларида учрайдиган хасталикларнинг олдини олиш, даволашга эътибор катта.

Бошқарув раисининг фикрларига қараганда, бу ерда шунингдек, тери, кўз, жағ ва тишларни даволаш ҳам йўлга қўйилган. Кўпчиликка даволаш физкультураси, мануал терапия, сув ости массажи, электр муолажа, лазер нури билан даволаш, ультратовушдан фойдаланиш каби қулайликлар манзур бўлмоқда. Шунингдек, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, уларнинг дам олишлари ва шифо топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Игна билан даволаш муолажалари ҳам кенг йўлга қўйилган.



Ҳа, айтганча яна бир янгилик. Бу ерда бошқа сиҳатгоҳларда учрамайдиган радон-радиоактив моддали минерал сувли ванналар ҳам мавжуд. Оилавий дам олиш учун «Она ва бола» мажмуаси ишлаб турибди.

Келажакда «Турон» санаторийсининг ҳудудини янада кенгайтириш, янги даволаш муолажаларини қўллаш ва бошқа қурилиш ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

**Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**
**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**







МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ!

Шу йилнинг 23 январидан бошлаб

ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ

йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Хоҳишингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.

Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.

Йўловчи поезди катта тезлик билан ҳаракатланиб (автомобиль транспортидан тез) сизларни Самарқандга етказиб, Тошкентга қайтиб олиб келади. Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.

Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.

Поезд ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари қатнайди.

Йўловчи поездининг ҳаракатланиш жадвали

| Поезд № | Маълумот | Бошланғич манзилдан жўнаб кетиш вақти | Белгиланган манзилга етиб бориш вақти |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент — Самарқанд | 6:50 | 10:50 |
| 2. | Самарқанд — Тошкент | 17:00 | 21:00 |

Маълумотлар хизмати: 005, 199-72-15.
Вокзал бўйича навбатчи: 199-72-16
Маъмур: 199-76-27.

САФАРИНГИЗ МАРОҚЛИ ЎТСИН!

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ



АО «Тезкор-Соз» ставить на торги публичной оферты навес ОГМ и БРУ (бетон распределительный узел).
Телефон: 185-88-59.


Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси марказий аппаратнинг департамент директори Ф.У.Азизовга падари бузруквори

**Усмон АЗИЗОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)



MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 365
13069 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1 2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA